


«Аллоҳ таоло мавжуддир» деган гапнинг маъносини биласизми?



15:00 / 14.01.2021 3254

Бу гапнинг маъноси адолат мавжуддир, раҳмат мавжуддир, мағфират мавжуддир деганидир.

Бу гапнинг маъноси У Зотни зикр қилиб қалб ором топади, руҳ хотиржам бўлади, кўнгил тинчланади, безовталиқ кетади деганидир.

Бу гапнинг маъноси тўкилган кўз ёшлар бекор кетмайди, сабр — мева бермай қолмайди, қилинган яхшилик — мукофотсиз қолиб кетмайди, қилинган ёмонлик — қайтарувчисиз давом этавермайди, жиноятлар — қассосиз қолмайди деганидир.

Бу гапнинг маъноси бутун борлиқда ҳукм сурадиган — карамдир, бахиллик эмас. Берган нарсасини қайтариб олиш Каримнинг сифатидан эмас. Аллоҳ таоло бизга ҳаётни берган экан, энди шу ҳаётни ўлим билан тортиб олиши мумкин эмас. Ўлим ҳаётни тортиб оладиган нарса бўлиши мумкин эмас. Балки ўлим бир ҳаётдан бошқасига ўтишдир. Инсон ўлганидан сўнг бошқа ҳаётга ўтади. Қайта тирилганидан кейин яна бошқа ҳаётга ўтади. Сўнг самоларда ниҳоясиз юксакликларга кўтарилади.

Бу гапнинг маъноси борлиқда беҳуда нарса йўқ, балки ҳар бир нарсада ҳикмат бор, ҳар бир нарсанинг ортида ҳикмат бор, ҳар бир яратилган нарсада ҳикмат бор, оғриқда ҳам ҳикмат бор, беморлиқда ҳам ҳикмат бор,

азобда (дунёдаги барча машаққат, изтиробларда) ҳикмат бор,
қийинчиликларда ҳикмат бор, хунукликда ҳикмат бор,
муваффақиятсизликда ҳикмат бор, ожизликда ҳикмат бор, қудрат (бирор
нарсага кучи етиш, имконият)да ҳикмат бор деганидир.

Бир киши сўраб қолди:

- Аллоҳни кўрдингми?

- Ҳа.

- Қачон?

- Айбларимни яширганида, ризқ берганида, дардимга шифо берганида,
едирганида, ичирганида...

Азизлар! Аллоҳ таоло Карим, Роҳмандир. Уни зикр қилиб, қалбимиз ором
топади, руҳимиз хотиржам бўлади, безовталиқ кетади.

Аллоҳ таолонинг йўлида тўкилган кўз ёшлар, бирор инсондан зулм кўриб
тўкилган кўз ёшлар, қилинган сабрлар, кишиларга қилинган яхшиликлар
бесамар кетмайди, ёмонлигу жинойтлар ҳам жазосиз қолмайди.

Роббимиз бизга неъматларини бошимиздан ёмғирдек ёғдириб беради.
Ўлим ҳаётнинг тугаши эмас. Инсон ўлганидан сўнг ном-нишонсиз йўқ бўлиб
кетмайди. Қабрда барзах ҳаётида бўлади. Қиёмат куни қайта
тирилтирилганда маҳшар майдонида сўроқ-савол учун тўпланади.
Сўроқлардан яхши ўтиб олса, жаннатда абадий ҳаёти бошланади.
Дунёдаги амалига қараб унинг жаннатдаги даражаси белгиланади.

Аллоҳ таоло бутун борлиқдаги нарсаларни бекордан бекорга яратмаган. У
ҳикматсиз иш қилиш, ҳикматсиз яратиш айбидан ва барча айблардан
Покдир. Сайёралар, юлдузлар, галактикалар, кометалар, туманликлар,
тоғлар, денгизлар, булутлар ва ҳоказо махлуқлар бежизга яратилмаган.
Ҳаммасининг ўзига хос вазифаси бор.

Роббимиз Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

نَبِيَّ عَالِمًا مِّنْهُمْ يَتْلُو آيَاتِنَا وَمَا يَذَّكَّرُ عَنْهُنَّ إِنَّ الَّذِينَ أُوتُوا الْحِكْمَةَ لَمَجْدٌ وَسُكْرٌ

**«Осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни ўйнаб
яратганимиз йўқ» (Анбиё сураси, 16-оят).**

Бошимизга тушадиган мусибатлар, касалликлар, ишимизнинг юришмай тургани, фарзанд кўрмаётганимиз ва ҳоказо ишларда ҳикмат бор.

Аллоҳ таоло бизни йўқдан бор қилиб яратган, биз бандаларига неъмат берувчи, бизни тарбия қилувчи, бизга ризқ берувчи, бизни ўлдирувчи ва қайта тирилтирувчи Зотдир.

Мустафо Маҳмуднинг «Қуръонга асосланган янгича психология» китоби асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади